



## A GENERAL DESCRIPTION OF THE INVESTIGATION OF CRIMES OF INTENTIONAL HOMICIDE IN A STATE OF INTENSE MENTAL EXCITEMENT

**Kayumov Umid Ismatillaevich**

Prosecutor's office of Tashkent region

senior prosecutor of the department

umid9449@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14160268>

### ARTICLE INFO

Received: 04<sup>th</sup> November 2024

Accepted: 12<sup>th</sup> November 2024

Online: 13<sup>th</sup> November 2024

### KEYWORDS

*Guilt, crime, punishment, strong mental, excitement, situation, intentional murder, investigation of crimes, personality, rights.*

### ABSTRACT

*This article analyzes the general description of the investigation of crimes of intentional homicide in a state of intense mental excitement. In addition, the article examines the opinions of scientists regarding the specific aspects of the investigation of crimes of intentional homicide in a state of strong mental excitement.*

## ОБЩАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА РАССЛЕДОВАНИЯ ПРЕСТУПЛЕНИЙ УМЫШЛЕННОГО УБИЙСТВА В СОСТОЯНИИ СИЛЬНОГО ПСИХИЧЕСКОГО ВОЗБУЖДЕНИЯ

**Каюмов Умид Исмаиллаевич**

Прокуратура Ташкентской области

старший прокурор отдела

umid9449@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14160268>

### ARTICLE INFO

Received: 04<sup>th</sup> November 2024

Accepted: 12<sup>th</sup> November 2024

Online: 13<sup>th</sup> November 2024

### KEYWORDS

*Вина, преступление, наказание, сильное психическое возбуждение, ситуация, умышленное убийство, расследование преступлений, личность, права.*

### ABSTRACT

*В статье анализируется общая характеристика расследования преступлений умышленного убийства в состоянии сильного психического возбуждения. Кроме того, в статье рассматриваются мнения ученых относительно особенностей расследования преступлений умышленного убийства в состоянии сильного психического возбуждения.*

## КУЧЛИ РУҲИЙ ҲАЯЖОНЛАНИШ ҲОЛАТИДА ҚАСДДАН ОДАМ ЎЛДИРИШ ЖИНОЯТЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Каюмов Умид Исмаиллаевич**

Тошкент вилояти прокуратураси бўлим катта прокурори

umid9449@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14160268>



## ARTICLE INFO

Received: 04<sup>th</sup> November 2024

Accepted: 12<sup>th</sup> November 2024

Online: 13<sup>th</sup> November 2024

## KEYWORDS

Айб, жиноят, жазо, кучли руҳий, ҳаяжонланиш, ҳолатида, қасддан одам ўлдириш, жиноятларини тергов қилиш, шахс, ҳуқуқлар.

## ABSTRACT

Мазкур мақолада кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш жиноятларини тергов қилишнинг умумий тавсифи таҳлил этилган. Бундан ташқари мақолада кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш жиноятларини тергов қилишнинг ўзига хос жиҳатлари юзасидан олимларнинг фикрлари ҳам ўрганилган.

Мамлакатимизда жиноят қонунчилигини ислоҳ қилиш, жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органлари фаолиятида одиллик, инсонпарварлик тамойилларини кучайтириш, суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга катта эътибор қаратилиб, қатор мақсадли чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6041-сонли Фармонида кўра, мамлакатимизда жиноят ишларини тергов қилиш фаолиятини халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани инobatга олган ҳолда яхшилаш, қонун устуворлиги ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларини рўёбга чиқариш, жиноят-процессуал қонунчилигини янада такомиллаштириш мақсадида суд-тергов фаолиятини янада такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари белгиланганлиги диққатга сазовордир.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, жиноят ишларини тергов қилишда мавжуд жиноятларни тергов қилиш услубиётини таҳлил қилиш ҳамда уларни амалиётда қўллаш билан боғлиқ муаммоларни ечиш борасида таклифлар билдириш муҳим аҳамият касб этади.

Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш жиноятларини тергов қилиш услубиёти мамлакат тергов амалиётида долзарб масалалардан бири саналади. Сабаби, Ўзбекистон шароитидаги бу борадаги илмий асосланган методик таъминотлар етишмайди, борлари эса маънан эскирган. Ушбу ҳолат жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятида тергов органларини услубий таъминотлар билан қуроллантириш вазифасини ижросини таъминлашда турли муаммоларни юзага келтирмоқда.

“Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолати қасддан одам ўлдириш жиноятларини тергов қилиш” тушунчаси қонунни қўллаш амалиётида ҳам турли тушунмовчиликларни келтириб чиқармоқда. Сабаби, мазкур тушунча қамрови амалдаги қонунчиликда белгиланмаган. Шу боис, қонунни қўлловчи жиноят процессуал қонунчилигининг исботлаш вазифаларини ҳал этишда моддий (квалификацион) ва услубий қийинчиликларга дуч келмоқда.

Бундан ташқари, тергов амалиётида ушбу турдаги жиноятлар бўйича суд-психологик ва суд-психиатрик экспертизалари тайинланади. Бироқ, қонунни қўлловчи



бу борада қўлланилаётган методлар ҳақида атрофлича билимга эга эмас. Ушбу ҳолат экспертлар томонидан қўлланилган методларни тўғри ёки хатолигини баҳолашда ҳам бир томонлама хулосага келишга сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 98-моддасига мувофиқ, кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш деганда жабрланувчи томонидан қилинган ғайриқонуний зўрлик ёки оғир ҳақорат, шунингдек унинг бошқа ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли тўсатдан юз берган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш тушунилади<sup>1</sup>.

Мазкур жиноятни тергов қилиш услубиёти қасддан одам ўлдириш жиноятини тергов қилишдан фарқ қилади. Сабаби, бунда жиноятни содир этиш механизми ва криминалистик тавсифи элементлари ўзига хос белгиларга эга.

Тергов амалиётида ушбу элементларни ҳисобга олинмаслиги жиноятни нотўғри квалификация қилинишига сабаб бўлади. Шу билан бирга, моддий ҳуқуқ нормасидаги ноаниқликлар ҳам жиноят ишларини тергов қилишда муайян қийичиликларни ҳам юзага келтиради.

Тергов амалиёти таҳлили натижаларига кўра, 2018-2022 йилларда кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш жинояти деярли содир этилмаган. Ушбу ҳолат бугунги тергов амалиётида бундай турдаги жиноятларни содир этилиши камайиб бораётганлигини кўрсатади. Бироқ, экспертиза амалиётидаги кўрсаткичлар буни аксини тасдиқламоқда.

Масалан, суд-тиббий экспертизаси амалиётида сўнги вақтларда пичоқбозлик ёки ўтқир жисмлар билан тан жароҳатини етказиш билан боғлиқ жиноятлар кўпайиб бормоқда. Ушбу ҳолатлар аксарият ҳолларда тунги клублар, кафе ва барлар, бозор ва кўчаларда содир этилмоқда. Бундай жиноятлар ичида кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда.

Тергов амалиётида мазкур ҳолатлар ЖКнинг 97 ва 104-моддалари билан квалификация қилиниб кетаётган ҳолатлар ҳам кам эмас.

Жиноят қонунчилигининг асосий вазифаларидан бири содир этилган жиноят учун жазонинг муқаррарлигини таъминлаш ҳисобланади. Бунда, тайинланаётган жазо содир этилган ижтимоий ҳавфли қилмишдан кам ҳам ёки ундан кўп ҳам бўлмаслиги шарт. Акс ҳолда адолат тамойилиши бузилади. Шунга кўра, дастлабки тергов жараёнида ҳақиқатни аниқлаш воситалари ва методларини тўғри қўлланилганлиги билан боғлиқ муаммолар юзага келмоқда. Ушбу ҳолатлар юқорида атрофлича қайд қилинган.

Маълумки, кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш жиноят тергов қилиш услубиёти мураккаб хусусиятга эга. Шу боис, бу борада аввало кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатлари тушунчасини психологик ва юридик жиҳатдан таҳлил қилиб олиш мақсадга мувофиқ.

Таъкидлаш жоизки, миллий доирадаги криминалистик адабиётларда мавзунинг криминалистик жиҳатлари деярли тадқиқ этилмаган. Бироқ, моддий ҳуқуқ нормасида жиноятнинг айрим жиноий-ҳуқуқий масалалари ўрганилган. Шу билан бирга, тадқиқот

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси. – Т.: “Адолат” 2022 йил. 98-модда.



инсон психологияси билан чамбарчас боғлиқ. Бошқача қилиб айтганда, кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатлари психология фанининг тадқиқот объекти ҳисобланади. Шу боис, тадқиқот инсон психологиясининг ҳуқуққа нисбатан муносабати таҳлил қилишни тақозо этади.

Тадқиқот жараёнида кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатлари таҳлил этилди. Унга кўра, кучли руҳий ҳаяжонланиш жабрланувчининг ғайриқонуний ва ахлоқсиз хатти-ҳаракатлари натижасида айбдор шахс руҳиятида тез ва қисқа муддатда ҳамда шиддат билан ривожланиб юзага келадиган руҳий ҳолатдир. Бундай ҳолатларда шахснинг ўз ҳаракатларини бошқариш қобилияти сезиларли даражада пасаяди. Бу ҳиссий ҳаяжоннинг инсон психикасига бевосита таъсир ўтказиши натижасидир. Психологияда кучли руҳий ҳаяжонланишнинг бир қатор зарурий белгилари кўрсатиб ўтилган. Булар қуйидагилар: тўсатдан вужудга келади; шиддатли ва кескин юз беради; инсон руҳий фаолиятининг бузилишига олиб келади ва уни издан чиқаради; кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида инсон асаб органларининг бошқарувида кескин ўзгаришлар юз беради.

Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш жиноятларининг криминалистик тавсифининг аниқлаб олиниши терговнинг дастлабки босқичи учун муҳимдир. Қотилликларнинг криминалистик тавсифи - бу уларни содир этишнинг типик усуллари, ҳолати, излари, жабрланувчи ва қотилнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари, жиноятчи ва жабрланувчи ўртасидаги алоқалар ҳақидаги маълумотларнинг бирикмасидир. Криминалистик тавсифнинг ушбу элементлари ўзаро боғлиқ бўлиб, бири, иккинчисидан келиб чиқади ва тўлдиради. Жиноятнинг криминалистик тавсифини белгилашда юқорида келтирилган ҳолатларни олдинмакетинлиги, ҳодиса жойидаги вазиятларни келиб чиқиши, бирининг оқибати иккинчисида маълум изларнинг қолдириши кабиларини аниқлаш тергов дастлабки босқичининг муваффақиятли бўлишига асос ҳисобланади.<sup>2</sup>

Қотиллик жиноятларининг тавсифларидан бири унинг содир этилиш усули бўлиб, бундай усуллардан энг кўп тарқалганлари: тешувчи ва кесувчи асбоблар, ўқотар қуроллар, тўмтоқ нарсалар (шу жумладан уриш йўли билан), бўғиш, чўктириш, захарлаш, ўт қўйиш, жабрланувчини баландликдан итариб юбориш, портловчи моддалар, автомобил ёки темир йўл транспортдан фойдаланиб содир этиш билан боғлиқдир. Бу усуллар умумий барча турдаги қотилликларга тегишлидир. Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида содир этиладиган қотиллик жиноятлари ҳам юқорида кўрсатиб ўтиладиган бир қатор усуллар орқали содир этилиши мумкин. Жиноят содир этиш усули жиноятчининг ҳиссий ҳолатини кўрсатиши мумкин. Жабрланувчига кўп миқдорда тан жароҳати етказиш жиноятчининг кучли ҳиссий ҳаяжонланиш ёки таъсирланиш ҳолатида бўлганлигини кўрсатиши мумкин. Кучли руҳий ҳаяжонланиш, яъни аффект ҳолатида содир этиладиган жиноятларга олдиндан тайёргарлик кўрилмайди. Бундай жиноятлар одатда уй-рўзғор жанжаллари, рашк, безорилик ва бошқа ҳолатлар натижасида содир этилиши сабабли, қотил олдиндан тайёргарлик кўрмаган ҳолда, инсонга жароҳат етказиши мумкин бўлган исталган предметдан қурол

<sup>2</sup> Криминалистика. Дарслик. Муаллифлар жамоаси – Тошкент: ТДЮ, 2018. – 331 б.



сифатида фойдаланиб қотиллик содир этади. Психологияда аффе́кт кучли ва нисбатан қисқа муддатли ҳолат деб тушунилади. Кучли руҳий ҳаяжонланиш, яъни аффе́кт ҳолатида одам ўлдириш жинояти содир этилгандан ҳамда шахс аффе́кт ҳолатидан чиққанидан сўнг жиноят қуролини, оёқ ва қўл изларини қолдирмасликка ҳаракат қилиши мумкин.

Қотиллик жиноятининг изларини ва жабрланувчининг мурдасини йўқотишга қаратилган ҳаракатлар баъзида қотилликка бошқа ҳодиса тусини бериш учун ниқоблаш усулларини ҳам қўллаш ҳоллари учраб туради. Қотил қурбонини хушсизлантириб ёки унга оғир жароҳат етказиб, хонанинг эшик-деразаларини беркитиб ўт қўйиб кетади, тепалик – баландликдан итариб юборади, “ўзига ўзи қасд қилган” – ниқоби тусини яратади ва ҳоказо.<sup>3</sup> Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида содир этиладиган қотиллик жиноятларида ҳам жиноятни ниқоблаш усуллари қўлланиши мумкин. Барча қотилликлар далиллар шароитида (жиноятга гувоҳ бўлганлар) ва яширин (гувоҳларсиз) содир этилганларга бўлинади. Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида содир этиладиган қотиллик жиноятларини ниқоблаш усуллари кўпинча яширин, яъни гувоҳларсиз содир этилган жиноятларда қўлланилади. Маълумки, кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида содир этиладиган қотиллик жиноятларида жабрланувчи алоҳида рўл ўйнайди. Чунки, жабрланувчи томонидан айбдорга нисбатан ўтказилган жисмоний ёки руҳий тазйиқ оқибатида қотиллик жинояти содир этилади. Қотилликни содир этган шахс аффе́кт ҳолатидан чиққанидан ҳамда содир этган қилмишини англаб етганидан сўнг жабрланувчини содир бўлган ҳодисада айбдор ҳисоблаб жиноятга ниқоб тусини бериши ва терговни нотўғри йўлга йўналтириш мақсадида ҳодисани саҳналаштириб ўз жонига қасд қилгандек қилиб кўрсатиши мумкин.

Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида содир этилган қотиллик жиноятларининг криминалистик тавсифларидан бири бу жиноят механизми ҳисобланади. Криминалистика назариясида “жиноят усули” ва “жиноят механизми” тушунчалари ўртасида муаммо мавжуд. А.С.Князков жиноят механизмини унинг усули билан бирга жиноятларнинг криминалистик хусусиятларининг таркибий элементи деб ҳисоблайди ва уни моддий ифода этувчи ноқонуний ҳаракат содир этган шахснинг хатти-ҳаракатлари кетма-кетлиги, шунингдек, бошқа шахсларнинг хатти-ҳаракатлари, биринчи навбатда жабрланувчи, бу шахснинг хатти-ҳаракати билан ўзаро боғлиқ бўлиб, жиний тажовузнинг муайян даврларида намоён бўлади.<sup>4</sup> А.М.Кустов ушбу тушунчалар бир хил эмаслигини ва бир-бирининг ўрнини босмаслигини тасдиқлайди, улар иккита автоном илмий тоифа эканлигини таъкидлайди<sup>5</sup>.

Р.С.Белкиннинг фикрига кўра, жиноят механизми қуйидагиларни ўз ичига олади: жиноят субъекти; жиноят субъектининг муносабати: унинг ҳаракатларига, уларнинг оқибатларига, шерикларига; тажовуз объекти, жиноятнинг детерминистик ҳаракатлар

<sup>3</sup> Криминалистика. Дарслик. Муаллифлар жамоаси – Тошкент: ТДЮ, 2018. – 331 б.

<sup>4</sup> Князьков А.С. Криминалистическая характеристика в контексте его способа и механизма // Вестник Томского государственного университета. 2011. № 1. С. 58-63

<sup>5</sup> Кустов А.М. Криминалистическое учение о механизме преступления. Дис. ... д-ра юрид. наук. М., 1997. С. 112.



тизими сифатида усули; жиноий натижа, жойи, вақти ва жиноят ҳолати билан боғлиқ бошқа ҳолатлар, жиноят содир этилишига кўмаклашувчи ёки унинг олдини олувчи ҳолатлар, ҳодисанинг тасодифий иштирокчилари бўлган шахсларнинг хатти-ҳаракатлари; ҳаракатлар (жиноят усули) ва жиноий натижа ўртасидаги, воқеа иштирокчилари, ҳаракатлар ва вазият ўртасидаги, жиноят предмети ва тажовуз предмети ўртасидаги алоқалар ва муносабатлар ва бошқаларни ўз ичига олади<sup>6</sup>.

Жиноят механизмининг криминалистик тушунчаси, таклиф этилган таърифдан кўриниб турибдики, криминалистиканинг асосий қоидалари ва энг аввало қонунлар билан боғлиқ:

жиноят субъектининг жиноий фаолияти мазмунида алоқалар ва муносабатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши;

жиноятни тайёрлаш, содир этиш ва яшириш усулларини шакллантириш ва амалга ошириш;

жиноят содир этилишидан олдин ва кейин жиноят билан боғлиқ ҳодисаларнинг юзага келиши ва бориши (ишда ҳақиқатни аниқлаш билан боғлиқ);

жиноятларни очиш ва тергов қилиш учун фойдаланиладиган жиноят ва унинг иштирокчилари тўғрисида жиноий аҳамиятга эга маълумотларни шакллантириш<sup>7</sup>.

Худди шундай, “жиноят механизми” усулга қараганда кенгроқ тушунчадир. Усул механизмнинг бир қисмидир. Жиноят механизми деганда жиноий фаолият мазмунини белгилайдиган мураккаб динамик ҳолатлар тизими тушунилади.

Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида содир этилган қотиллик жиноятларининг криминалистик тавсифининг муҳим элементи жиноят содир этиш пайтида юзага келадиган излар ва бошқа фактик маълумотлар ҳисобланади. Чунки жиноят изларининг хусусиятларини билмасдан жиноятчини аниқлаб ҳам ва унинг жиноят содир этганлигини исботлаб ҳам бўлмайди. Криминалистикада излар икки гуруҳга ажратилади:

Ҳодиса ёки унинг айрим ҳолатлари инсон онгига сингиб хотирасида сақланади ва маълум вақтларда маълумот-ахборот шаклида тикланади. Бу хилдаги изларни шартли равишда хотиравий излар деса бўлади. Изларнинг бу тури субъектив характерга эга бўлиб инсоннинг сезиш, қабул қилиш, тафаккур қилиш, хотирасида мустаҳкам ва узоқ муддатгача сақлаш қобилиятига, шунингдек, бошқа жисмоний ва руҳий хусусиятларига боғлиқдир.

Моддий излар – жиноий ҳодиса билан боғлиқ бўлган турли ҳаракатлар натижасида бир объектдан иккинчи объектда унинг маълум қисмидан акси, модда қолдиғи ёки бошқа ўзгариш аломатлари қолади. Изни ҳосил қилувчи объект изни ўзида акс эттирувчида фақат контакт бўлган ташқи тузилишининг бирор қисмидангина из қолдиради. Шу асосда из ҳосил бўлишида икки объект ўзаро муносабатда бўлиб, биринчиси изни ҳосил қилувчи, иккинчиси изни ўзида акс эттирувчи объектлар гуруҳини ташкил қилади<sup>8</sup>.

<sup>6</sup> Белкин Р.С. Курс криминалистики. В 3-х томах. Т.1: Общая теория криминалистики. М.: Юристъ, 1997. С. 117-118.

<sup>7</sup> Криминалистическая концепция механизма преступления А.М. Кустов. Вестник МФЮА № 2 / 2016.

<sup>8</sup> Криминалистика. Дарслик. Муаллифлар жамоаси – Тошкент: ТДЮ, 2018. – 331 б.



Хотиравий излар асосан жиноят содир этилган жойда ҳозир бўлганлар, гувоҳлардан олинадиган оғзаки маълумотлар асосида олинади. Гувоҳлар муҳим маълумот манбалари ҳисобланади. Гувоҳларнинг кўрсатмалари терговнинг бориши, ишнинг чуқур ўрганилиши, далиллар миқдорининг кўпайиши ва энг муҳими жиноят ҳодисаси тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлишга ижобий таъсир кўрсатади.

Дастлабки тергов ва суд мажлисида устахона ишчилари содир бўлган воқеа-ҳодиса ҳақида бевосита кўрсатма бериб ўтишган бўлиб, воқеа-ҳодисаларнинг гувоҳларнинг хотирасида мустаҳкам сақланиб қолишини хотиравий излар деб олсак бўлади. Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида содир этиладиган қотиллик жиноятларида жиноятни содир этган шахс патологик ёки физиологик аффект ҳолатида бўлганлиги сабабли бўлиб ўтган воқеа-ҳодиса ҳақида тўлиқ кўрсатма бера олмасликлари мумкин. Физиологик аффект ҳолатида инсон ўзининг ҳатти-ҳаракатларини тушуна олади ва бошқара олади. Аммо, патологик аффект ҳолатида беморлар касалликлари туфайли ўз-ўзини бошқара олмайдилар ва қилаётган ишларига танқидий қаролмайдилар. Патологик аффект - сабабсиз ёки ноадекват сабаб туфайли юзага келувчи ҳиссий қўзғалишдир. Шу сабабдан ҳам аффект ҳолатида содир этиладиган қотиллик жиноятларида жиноятни содир этган шахсларнинг бўлиб ўтган воқеа-ҳодиса ҳақида тўғри кўргазма бера олмасликлари кузатилиши мумкин. Юқоридаги ҳолатда, Қ.А хўжалик пичоғи билан Х.О.га бир неча маротаба уриб санчиб, унинг вафот этишига сабаб бўлмоқда. Ушбу содир бўлган воқеа-ҳодиса жойида қотил ва жабрланувчининг ўзаро жанжали оқибатида, шунингдек, қотил томонидан жабрланувчига жароҳат етказиш орқали жабрланувчи ҳамда қотилда, қотиллик қуролида бир қанча моддий излар ҳам вужудга келмоқда.

Жиноят жойи ҳар қандай жиноятнинг, шу жумладан кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида содир этилган қотилликнинг криминалистик хусусиятларининг муҳим элементи ҳисобланади. Чунки, жиноят жойи криминалистик тавсифнинг элементи сифатида жиноят қаерда содир этилганлиги, жиноят содир этиш усули, уни содир этиш механизми, жиноят содир этилган ҳолатлар, жиноятчи ва жабрланувчининг шахси тўғрисида муҳим маълумот манбаи ҳисобланади. Жиноят жойи квартира, уй, кўча, алкогольли ичимликлар истеъмол қилинадиган жой, кимсасиз жой, дала ва бошқалар бўлиши мумкин. Қотиллик жойини аниқлаш учун қуйидагиларни аниқлаш керак: мурдани топиш жойи, тан жароҳати олган жой (шу жумладан ҳалокатли), мурданинг ҳаракатланиш излари, шунингдек, парчаланиш ёки йўқ қилиш жойи. Ушбу ҳолатлар жараён иштирокчиларини (гувоҳларни ва бошқаларни сўроқ қилиш орқали белгиланади.), шунингдек, мурдани топиш жойидаги изларни аниқлаш, қотиллик қуроллари, тупроқ зарралари ва бошқа моддалар мурданинг кийимлари ва поябзалидаги қотиллик жойидан, мурданинг ҳаракатланиш излари, қотилнинг излари (қотиллар) ва бошқалар.<sup>9</sup>

Вақт масаласи криминалистик тавсифнинг яна бир элементи ҳисобланади. Вақт параметрлари ва жиноят жойи алоҳида ўрнига эга. Жиноят содир этилган вақт ва жой криминалистик тавсифнинг икки алоҳида элементиدير. Аммо ушбу икки элемент

<sup>9</sup> Криминалистическая методика расследования отдельных видов и групп преступлений: учеб. пособие / В. Д. Зеленский [и др.] – Краснодар: КубГАУ, 2013. – 355 с.



бошқа барча элементларни ягона вазиятда бирлаштиришга имкон беради. Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида содир этиладиган қотиллик жиноятларида вақт жуда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу турдаги жиноятларда вақтни икки тури кўриб чиқилиши лозим, яъни жиноят содир этилган вақт ҳамда кучли руҳий ҳаяжонланиш (аффект)нинг бошланиш ҳамда давом этиш вақти.

Қотиллик вақти мурдани ташқи текшириш, топилган жой ҳолатини ўрганиш, суд-тиббий экспертиза билан белгиланади. Вақтнинг криминалистик тавсифи унинг жиной-хуқуқий тушунчасига қараганда кенгроқдир. Жиноят-хуқуқий маънода жиноятни содир этиш вақти, криминалистик маънода - уни тайёрлаш, жиноят изларини яшириш вақти, муайян жараёнлар, ҳодисаларнинг давом этиш вақти қизиқтиради. Вақт муайян хусусиятларга эга. Вақтнинг топологик хусусиятлари вақтнинг йўналишини, унинг қайтарилмаслигини, вақт муносабатларининг тузилишини, узилиш ва узлуксизликни, яъни вақтнинг кетма-кетлиги каби характеристикаси билан белгиланадиган хусусиятларни тавсифлайди. Жиноят содир этилган вақт унинг катта ёки кичик вақт оралиғида содир этилганлигига қараб тавсифланади. Қотиллик содир этилган вақтни кўрсатувчи аломатларга жасаднинг ҳарорати, мурдада доғлар мавжудлиги ва бошқа маълумотлар киритилиши мумкин. Мазкур аломатлар суд-тиббий эксперти томонидан аниқланади. Жиноят содир этилган вақтнинг аниқланиши тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш, гувоҳларни аниқлаш ва топиш, кейинчалик эса гумон қилинаётган шахснинг жиноятга дахлдорлиги (алибиси)ни текширишда қўл келади.<sup>10</sup> Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида содир этиладиган қотиллик жиноятлари асосан гувоҳлар кўз ўнгида амалга оширилади. Шунинг учун жиноят содир этилган вақтни аниқлаш масаласида гувоҳлар муҳимдир.

Кучли руҳий ҳаяжонланиш (аффект) тўртта таркибий элементдан, яъни жиной-вазият, торайган онг, вақт давомийлиги ва аффектдан кейинги ҳолатдан иборат. Аффектив ҳолатининг бошланиш ва давом этиш вақти дастлабки тергов ва суд учун зарур.

Аффектнинг ҳар бир тури ва босқичи учун вақт давомийлиги ҳар хил бўлиши мумкин.

Патологик аффект ҳолати юзага келишининг биринчи босқичида шахсда вақт ўтиши билан ақлий жараёнлар ва ҳолатларни кузатиш ва билиш қобилияти бузилади. Иккинчи босқич (портлаш босқичи) эпизодик ва кескин намоён бўлиши билан тавсифланади. Ушбу босқичда кучли руҳий ҳаяжонланишнинг давомийлиги бир неча сониядан бир неча дақиқагача давом этиши мумкин. Бундай ҳолат кунига бир неча марта содир бўлиши мумкин. Патологик аффект ҳолатини бошдан кечирган шахслар кўпинча ҳеч нарса эслай олмасликларини ва нима қилганликларини тушунмасликларини айтишади. Неврологик касалликлари бўлган шахслар сабабсиз кулиш, йиғлаш ёки иккаласини ҳам навбатма-навбат намоён қилиши мумкин. Якуний босқичда аффект вақтида катта миқдордаги энергия сарфланганлиги сабабли асаб

<sup>10</sup> Қасддан одам ўлдириш жиноятларини фош этиш ҳамда тергов қилиш хусусиятлари: Амалий-методик қўлланма / Д.М.Миразов, М. М. Каландаров, У. К. Нуруллаев ва бошқ.; Д. М. Миразовнинг умумий таҳририда. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – 150 б.



тизимининг ҳаддан ташқари чарчаши кузатилади. Бунинг натижасида шахс уйқуга мойил бўлиб, у бир неча соат давом этиши мумкин.

Физиологик аффект ҳам уч босқичга эга, аммо интенсивлиги ва давомийлиги патологик аффектдан фарқ қилади. Физиологик аффект ҳолатида биринчи босқич икки сабабга кўра зиддиятли вазиятнинг пайдо бўлиши билан тавсифланади:

биринчиси, ғайриқонуний зўрлик, оғир ҳақорат, жисмоний зўравонлик, жабрланувчининг ахлоқсиз ҳаракатлари бўлиши мумкин бўлган кучли руҳий ҳаяжонланишнинг вужудга келиши. Бундай ҳолда, биринчи босқич ва аффектив портлаш орасида вақт катта бўлмайди, жиноятчида аффектив реакция кескин юзага келиб, у бир неча сониядан бир неча дақиқагача давом этади.

иккинчиси, аффектив кечинмаларнинг узоқ вақт давомида тўпланиши. Бундай ҳолатда биринчи босқичнинг давомийлик вақти жуда катта бўлиши мумкин. Аффектив кечинмаларнинг тўпланиши бир неча кундан бир неча йилгача бўлиши мумкин. Бу оилада, ишда ва ҳоказоларда ҳақорат, камситишнинг натижасида келиб чиқади. Иккинчи босқичда жабрланувчининг охириги қилган хатти-ҳаракатлари натижасида жиноятчининг руҳий ҳолатида қисқа муддатда портлаш юзага келади. Якуний босқич, яъни аффект ҳолатидан кейинги босқич қисқа давом этади, чунки субъект патологик аффектда бўлгани каби жуда кўп энергия сарфламайди, аксинча, аввалига енгиллик, кейинчалик афсусланишни ҳис қилади.

Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида содир этилган қотиллик жиноятларининг криминалистик тавсифларининг яна бири бу жиноятчининг шахсидир. Жиноятчининг шахси, маълумки, криминалогик тадқиқот объекти бўлиб, у ҳақидаги кўпгина типологик маълумотлар жиноятларнинг криминалогик хусусиятларининг элементи ҳисобланади. Барча турдаги қотиллик жиноятларида жиноятчининг шахси жиноятларнинг содир этилиш сабаблари ва шартларининг аниқланишида муҳимдир. Маълумки, жиноятчилик кишиларнинг муайян хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ ижтимоий ҳодисадир. Бундай хатти-ҳаракатни тушунтириш, унинг сабабларини аниқлаш, жиноят содир этган шахсларга таъсир кўрсатишнинг самарали воситаларини топиш, жиноятларнинг олдини олиш усуллари ва воситалари фақат жиноятчини ижтимоий ҳодиса, шахс сифатида чуқур ўрганиш билан амалга ошириш мумкин.<sup>11</sup> Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида содир этиладиган қотиллик жиноятларида қотилнинг ижтимоий-психологик, яъни руҳий томони муҳим аҳамият касб этади. Чунки, ушбу турдаги қотилликлар айнан субъектнинг руҳий ҳолати билан бевосита боғлиқдир. Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида содир этиладиган қотиллик жиноятлари оилавий, маиший, безорилик ва бошқа низолар натижасида содир бўлиши мумкин. Бундай турдаги қотилликларга олдиндан тайёрланмайди, қотилликнинг ўзини, унинг изларини ва ўлимга олиб келадиган воситаларни яшириш чоралари ҳам кўрилмайди. Бундай жиноятларни содир этган шахслар ҳам ижобий, ҳам салбий тавсифланиши мумкин.

<sup>11</sup> Личность преступника: Монография / Под общ. ред. В.Н. Кудрявцева, Г.М. Миньковского, А.Б. Сахарова. – М., 1975. – С. 3.